

## ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Хужамкулов Дилмурод Юсупалиевич**  
Oriental университети “Иқтисодиёт ва туризм”  
кафедраси доценти, и.ф.н.  
[khojamqulovdyu@inbox.ru](mailto:khojamqulovdyu@inbox.ru)

**Аннотация.** Мазкур мақолада инновация ва инновация фаолиятининг асосий назарий жиҳатлари ва инновация фаолияти самарадорлигини оширишдаги муаммолар ҳамда уларнинг ечимларига оид таклиф-тавсиялари акс эттирилган.

**Калит сўзлар:** инновация, инновация фаолияти, корхона инновация фаолияти, инновация фаолияти самарадорлиги, инновация фаолияти самарадорлигини баҳолаш.

## НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ И ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

**Аннотация.** В данной статье отражены основные теоретические аспекты инновационной и инновационной деятельности и проблемы повышения эффективности инновационной деятельности и предложения по их решению.

**Ключевые слова:** инновации, инновационная деятельность, инновационная деятельность предприятия, эффективность инновационной деятельности, оценка эффективности инновационной деятельности.

## DIRECTIONS OF DEVELOPMENT AND INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE ACTIVITIES

**Annotation.** This article reflects the main theoretical aspects of innovative and innovative activities and the problems of improving the efficiency of innovative activities and proposals for their solution.

**Key words:** innovations, innovative activity, innovative activity of an enterprise, effectiveness of innovative activity, assessment of the effectiveness of innovative activity.

## КИРИШ

Жаҳон иқтисодиётининг бугунги ривожланиш даври инновацион тараққиётга асосланган. Шунга кўра, ҳозирги пайтда ҳар бир давлат миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш ва халқаро интеграциясини фаоллаштиришда бевосита илмий-техник тараққиётга асосланган ислоҳотлар ва моделларга таянмоқдалар. Бу, ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида илмий-техник тадқиқотлар, илмий-техник ишланмалар асосида инновацион ривожланиш тамойилларига устуворлик бериш заруриятини кун тартибига жиддий равишда кўймоқда.

Мазкур шароитда илм-фан соҳасида қўлга киритилган илмий-техник ишланмалар натижаларини амалиётга фаол ва самарали тадбиқ этиш талабининг ортаётганлиги, кўп жиҳатдан, инновациялар самарадорлиги, яъни инновацияларнинг янги маҳсулот ва янги технологиялар кўринишидаги самарадорлиги билан белгиланади. Инновациялар самарадорлигини таъминлаш ва ошириш инновация фаолиятини амалга ошириш ва бошқариш жараёни билан амалга оширилади. Шунга кўра, инновацияларни бошқариш эндиликда бозорни бошқаришнинг самарали усули сифатида баҳоланмоқда.

Инновациялар, нафақат, иқтисодий категория ҳисобланади, шунингдек, хўжалик ва иқтисодий фаолиятни ривожлантириш маёғи сифатида у хўжалик фаолиятининг барча соҳаларига беқиёс даражада таъсир кўрсатади, умумий ҳолатда, у мамлакатдаги бутун иқтисодий жараёнга ижобий таъсир кўрсатишнинг илғор ва самарали воситаси бўлиб қолмоқда.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Инновациялар ва инновация фаолияти ривожланиши масаласининг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи-олимлар Абдрахманова Г.И., Гохберг Л.М. [1], Городникова Н.В., Гохберг Л.М., Дитковский К.А. [2], Кузнецова И.А. [3], Гармашова Е.П. [4], Черданцев В.П. [5] ва бошқаларнинг илмий ишларида, ҳудудларнинг инновацион ривожланиши масалалари Миронова Н.Н. [6], Земцов С.П. [7], Положенцева Ю.С., Клевцова М.Г., Вертакова Ю.В. [8] ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Шадиева Д.Ш. [9], Гаибназарова З.Т. [10], Жаҳонгиров И.Ж. [11], Мухитдинова Н.К. [12] ва бошқаларнинг илмий ишларида миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инновацион-инвестицион тараққиёт ва унинг самарадорлигини ошириш масалалари таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг асосий мақсади иқтисодиётни ривожлантиришда инновация фаолияти саамарадорлигини оширишга қаратилган илмий-амалий таклиф ва

тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот жараёнида индукция ва дедукция, қиёсий тавсифлаш, мантиқий абстракция, гуруҳлаш ва иқтисодий-статистик баҳолаш усулларида кенг фойдаланилди.

## НАТИЖАЛАР

Инновация атамаси мазмуни бўйича юқорида адабиётлар шарҳида келтирилган муаллифлар ва бошқа иқтисодчи-олимлар томонидан турли таърифлар ишлаб чиқилган. Бироқ, бугунги кунга қадар мазкур атамага ягона мазмундаги таъриф мавуд эмас. Бу, аввало, иқтисодий-иқтимоий ўзгаришлар, ислохотлар ва тараққиёт натижаларида мамлакат ва жамият ҳаётида инновацияларнинг аҳамияти ва самаралари тобора кенгроқ мазмун ва кўламларда ўзини номаён этиб бораётганлиги билан изоҳланади. Олиб борилган тадқиқотлар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, “инновация – бу фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида унинг самарадорлигини оширишга қаратилган фундаментал, амалий тадқиқотлар, тажриба-конструкторлик ёки тажриба ишларининг расмийлаштирилган натижасидир” [13]. Тадқиқот ва ишланмаларнинг ушбу натижалари: илмий кашфиётлар; ихтиролар; патентлар; савдо белгилари; рационализаторлик таклифлари; янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, технология, бошқарув ёки ишлаб чиқариш жараёни, ташкилий, ишлаб чиқариш ёки бошқа тузилма учун ҳужжатлар; ноу-хау; тушунчалар; илмий ёндашувлар ёки тамойиллар; ҳужжат (стандарт, тавсиялар, усуллар, кўрсатмалар ва бошқалар); маркетинг тадқиқотлари натижалари ва бошқа шакллар сифатида тузилиши мумкин [14].

Инновация (инг. инновацион – *янгилик*, сўзма-сўз “*инновацияга сармоя*” деган маънони англатади) – бозорда сотиладиган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, амалиётда қўлланиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён кўринишида амалга оширилган инновациянинг якуний натижаси [13].

Мазкур иқтисодий атама 20-аср бошларида австриялик олим Й.Шумпетер томонидан илмий муомалага киритилган [15]. Й.Шумпетер назариясига кўра, инициация фойданинг асосий манбаи ҳисобланади.

Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида инновацияларнинг роли сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бунинг сабаби шундаки, бозор иқтисодиёти шароитида ташаббус рақобатнинг самарали воситаси ҳисобланади, чунки, инновацияларнинг самарали жорий этилиши ишлаб чиқариш харажатлари ва товар нархларининг пасайишига, фойданинг ошишига, янги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиси нуфузининг ошишига, янги бозорларнинг шу жумладан, ташқи бозорларнинг очилиши, яратилиши ва эгаллаб олинишига, шунингдек, бозордаги сегментининг ортишига олиб келади.

Инновацияларнинг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти унинг функцияларида намоён бўлади. Инновациянинг қуйидаги 3 та асосий функцияси мавжуд:

- кенгайтирилган ишлаб чиқаришни молиялаштириш манбаи (репродуктив функция);

- инновацияни амалга оширишдан олинган фойда турли соҳаларда ишлатилиши мумкинлиги (инвестиция функцияси);

- олинган фойда янги инновациялар учун рағбат бўлиши (рағбатлантирувчи функция) [15].

Инновациялар мазмуни, қўлланилиш соҳаси, объекти, мақсади, қўлами ва бошқа хусусияталарига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинувчи таснифга эгадир:

1. Янгилик даражасига кўра таснифланувчи

2. Қўлланилиш объекти (соҳаси)га кўра таснифланувчи.

3. Иқтисодий ривожланишдаги аҳамият даражасига кўра инновацион фаолият натижалари сифатида таснифланувчи.

4. Тарқалиш қўламига кўра таснифланувчи.

5. Келиб чиқиш сабабаларига кўра таснифланувчи.

Инновацияларнинг таснифи уларнинг инновация фаолиятини кенг имкониятлар асосида амал қилиши ва ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Инновацион фаолият, истисносиз, ғоянинг пайдо бўлишидан то маҳсулотнинг тарқалишигача бўлган бутун инновацион жараённи ўз ичига олади.

Инновация фаолияти – бу ғояларни (илмий-тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларини ёки бошқа олинган илмий ютуқларни) бозорга тадбиқ қилиш (қиритиш), янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёнларга ёнги технологик жиҳатдан янги ишлаб чиқаришга ё бўлмаса, такомиллаштирилган маҳсулот ёки хизматларга айлантириш билан боғлиқ бўлган фаолият тури ёки амалиётда қўлланиладиган хизматларни ишлаб чиқариш (ўтказиш) усуллари ҳисобланади.

Инновацион корхона – бу фаолият доираси инновацион маҳсулотларни яратиш, жорий этиш ва тарқатишни ўз ичига олган корхона. Корxonанинг инновацион салоҳияти инновация фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган турли хил ресурслар, жумладан, моддий, молиявий, интеллектуал, ахборот, илмий, техник ва бошқа ресурслар тўплами сифатида баҳоланади.

Инновацион корхоналарнинг фаолият йўналиши уларни таснифлаш учун асос ҳисобланади. Инновацион корхоналар, шунингдек, ихтисослик даражаси, инновацион ҳаёт циклининг босқичлари сони ва бошқа жиҳатлари бўйича таснифланади.

Биз корхоналарнинг инновация фаолиятини хусусиятларига кўра таснифлашда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:


- инновацион янгилик даражаси;
- корхонанинг ихтисослашув даражаси;
- корхона фаолият юритадиган ҳаёт циклининг босқичи;
- корхона фаолият юритадиган билим соҳаси;
- корхона фаолият кўрсатаётган иқтисодиёт сектори;
- корхона шуғулланаётган инновация тури;
- молиялаштириш манбалари;
- корхона кўлами;
- корхонанинг амал қилиш муддати;
- корхонанинг ҳуқуқий мақоми ва ҳолати;
- корхонанинг филиаллари жойлашган мамлакатлар сони;
- ташкилот томонидан бозорни ривожлантириш даражаси;
- корхона фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий шакли.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, корхонанинг инновацион фаолияти – бу ишлаб чиқариш ва харидорнинг ўзаро боғлиқ иқтисодий манфаатларини қондириш усули бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик базасини сифатли ва доимий янгилаш учун ишлаб чиқариш, меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва янги рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш мақсадида ички ва жаҳон товарлар бозорида эътироф этилган илмий-тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларидан фойдаланиш ва тижоратлаштириш орқали амалга оширилади.

Инновацияларни бошқариш жараёнини ташкил қилиш учун менежмент мақсадини (ғояни амалга ошириш, муаммони ҳал қилиш ва ҳ.к.) аниқ шакллантириш, унинг имкониятларини, кучли ва заиф томонларини, бошқарув усулларини баҳолаш, ташкилий ва ишлаб чиқариш тузилмаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда бошқа бир қатор масалаларни ҳал қилиш зарур.

Илмий-тадқиқот лойиҳалари самарадорлиги ва уларнинг натижаларини амалга ошириш инновацияларни жорий этиш самараси билан белгиланади. Иқтисодиётга инновацияларни жорий этишнинг самараларини қуйидаги расм орқали ифодалаш мумкин (1-расм).

Инновацияларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш (инновация фаолияти) ёки сотишнинг иқтисодий самараси потенциал ёки ҳақиқий (реал, тижорат) бўлиши мумкин ва илмий, техник, ижтимоий ва экологик таъсирлари эса фақат потенциал иқтисодий самара шаклида бўлиши мумкин [16].



**1-расм. Иқтисодийта инновацияларни жорий этишнинг самаралари [17].**

Корхона ва ташкилотларда жорий этилган инновациялар, амалга оширилаётган инновация фаолияти самарадорлигини баҳолашда қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$\text{Сн.ф.} = \text{Ҳи.т.} / \text{Хт.и.},$$

бу ерда: Синд – инновация фаолияти самарадорлиги индекси, кўрсаткичи; Ҳи.т. – инновацион товар (иш, хизмат)лар ҳажми, пул бирлиги (сўм)да; Хт.и. – технологик инновациялар харажатлари миқдори, пул бирлиги (сўм)да.

Корхоналарнинг инновацияларни ишлаб чиқиш, модернизациялаш, ривожлантириш ва тижоратлаштириш бўйича инновация фаолияти қуйидагиларни ўзига камраб олади:


- корхоналарнинг инновациялар ғояларини ишлаб чиқиш устида илмий-тадқиқот ва лаборатория синов ишларини олиб боришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш, жалб этиш, уларнинг малакасини ошириш, хорижда амалий тажрибалар алмашишларини мунтазам амалга ошириш;

- корхоналарнинг инновациялар ғояларини ишлаб чиқиш, лаборатория тадқиқотларини ўтказиш, янги маҳсулот намуналари, янги асбоб-ускуналар турлари, янги конструкциялар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишларини олиб бориш;

- янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё ва материаллар турларини танлаш;

- янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг янги технологик жараёнини ишлаб чиқиш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган янги асбоб-ускуналар намуналарини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, синовдан о'тказиш ва ишлаб чиқиш;
- инновацияларни жорий этишга қаратилган янги ташкилий ва бошқарув ечимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- зарур ахборот ресурсларини тадқиқ қилиш, ишлаб чиқиш ёки сотиб олиш ва инновацияларни ахборот билан таъминлаш;
- лицензиялаш, патентлаш, ноу-хау олиш учун ишларни бажариш ёки зарур ҳужжатларни олиш;
- бозорга инновацияларни илгари суриш мақсадида маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТИ) учун зарур бўлган ходимларни ёллашнинг махсус усуллари, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни бозорга олиб чиқиш.

Инновация фаолияти самарадорлигини таҳлил қилишда қуйидаги тамойилларга риоя қилган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир (2-расм).



**2-расм. Инновация фаолияти самарадорлигини таҳлил қилишнинг асосий тамойиллари [17].**

Самарадорлик – ҳар қандай натижанинг самарадорлиги. Инновацияларнинг иқтисодий самарадорлиги деганда инвестиция ва барча ресурслар (пул, моддий, ахборот, меҳнат) жараёнида олинган натижа янги маҳсулот ёки операцияга (технологияга) маълум фойдали таъсир (фойда) келтирилиши тушунилади [18].



Умуман олганда, иқтисодиётда инновацияларнинг иқтисодий самарадорлиги икки хил кўринишда намоён бўлади:

- инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- инновацияларни сотиб олиш.

## МУҲОКАМА

Илмий-техник ва инновация фаолиятини амалга ошириш ва унинг самарадорлигини таҳлил қилиш асосида соҳада қуйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди:

- мамлакатда илм сиғимли ва юқори технологияли инновацион корхоналар сонининг камлиги ва унинг барча соҳаларда мавжуд эмаслиги муаммоси. Бу ҳолат иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида инновация фаолияти ҳамда илм-фан ва тайёр илмий-техник маҳсулотлар яратиш амалиётининг интеграцияси етарлича ривожланмаганлиги билан бевосита боғлиқдир;

- илм-фан соҳасини ишлаб чиқариш билан интеграциясини фаоллаштиришда мазкур соҳани молиялаштириш амалиётининг ривожланмаганлиги, хусусан, хусусий сектор томонидан инновацион ривожланишда илм-фан тараққиётига кучли боғланиш рақобатда устунликка эришиш омили сифатида қаралмаётганлиги муаммоси. Бунга сабаб инвесторларнинг илм-фан соҳасига инвестиция киритишидан кўра, тайёр инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга устуворлик бериши амалиётда илм-фан соҳасини молиялаштириш тизимини рағбатлантириш амалиёти етарли даражада шаклланмаганлигидан далолат беради. Бу эса илм-фан соҳасидаги тадқиқотларни молиялаштириш юқори риск остида турганлигини акс эттиради;

- корхоналарнинг инновация фаолиятини ривожлантиришда зарур шарт-шароитлар яратишда халқаро меъёрларга мувофиқликни таъминлаш борасида қонунчилик базасидаги номувофиқлик ва номукамалликнинг мавжудлиги;

- инновация фаолиятини ривожлантириш учун, аввало, талаб этиладиган инновацион инфратузилма элементларининг (венчур фондлар, фан ва инновацияларга сармоя киритишга тайёр бўлган инвесторлар, технопарклар, бизнес-инкубаторлар) етарлича шаклланмаганлиги;

- мамлакатда илм-фан ва инновациялар соҳасида юқори тажрибали ва малакали хорижий мутахассислар ва ҳамкорларни жалб қилишда халқаро ҳамкорлик ва меҳнат бозори талаблари билан боғлиқ муаммолар;

- мамлакатда, хусусан, ҳудудларда mintaqada илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциянинг паст даражадалиги сабабли илмий ишлаб чиқариш кооперациялари, хусусан, кластерларини ривожлантиришга етарлича эътибор қаратилмаганлиги.



Юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Бозор талабларига мос инновацион инфратузилмани яратиш ва унинг ҳозирги ривожланиш шароитига мувофиқ унсурларини (тармоқларга мос бўлган ва барча ҳудудларда технопарклар, инновацион марказлар, венчур фондлар, кластерлар) шакллантириш лозим.

2. Рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодиётни тармоқлар ва ҳудудлар кесимида инновацион ривожлантиришнинг яқин 20 йилга иситиқболли давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

3. Давлат ва хусусий секторнинг йирик корпоратив тузилмаларининг инвестици салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда уларнинг инновацион салоҳиятини ошириш мақсадида илм-фан соҳаси билан интеграциясини фаоллаштириш лозим.

4. Илм-фан соҳасининг иқтисодиётда инновация фаолиятини ривожлантиришни сифатли кадрлар билан таъминлаш мақсадида олий таълим муассасаларида кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш тизимини шакллантириш зарур.

5. Илм сиғимли ва юқори технологияли тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи хўжалик субъектларининг инновация фаолиятини ривожлантиришни давлат томонидан фаол рағбатлантириш лозим.

6. Инновация бозорида юқори улуш ва тажрибаларга эга хорижий компаниялар, трансмиллий компаниялар билан халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, улар кўмагида рақобатбар муҳитидаги инновация инфратузилмасини ривожлантириб бориш зарур.

## ХУЛОСА

Бугунги тезкор ўзгаришлар даврида инновация фаолияти иқтисодиётни жадал ривожлантиришнинг энг муҳим ечими ҳисобланади. Шу сабабдан унинг самарадорлигини ошириш бугунги иқтисодий ривожланиш шароитидаги долзарб масалалардан биридир. Ўз навбатида, инновация фаолиятини ривожлантириш унинг самарадорлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқ равишда амалга оширилиши лозим. Ушбу масалада инновация фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган муаммоларни бартараф этиш истиқболда мамлакатда инновация фаолиятини таокмиллаштиришда юқори натижаларга эришиш, миллий иқтисодиётнинг халқаро рақобатбардошлигини оширишга имкон беради.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдрахманова Г.И., Гохберг Л.М. и др. Рейтинг инновационного развития субъектов Российской Федерации. // Выпуск 5. – М.: НИУ ВШЭ, 2017. – 260 с.
2. Городникова Н.В., Гохберг Л.М., Дитковский К.А. и др. Наука. Технологии. Инновации: 2019: краткий статистический сборник. – М.: НИУ ВШЭ, 2019. – 84 с.
3. Гохберг Л.М., Кузнецова И.А. и др. Индикаторы инновационной деятельности: 2019: стат.сб. – М.: НИУ ВШЭ, 2019. – 376 с.
4. Гармашова Е.П. Эволюция взглядов на сущность и роль инноваций в экономическом развитии // Вестник экономики, права и социологии, 2018. – №4. – С. 28-32.
5. Черданцев В.П. Инновационная деятельность – важная составляющая развития территорий // Фундаментальные исследования, 2017. – №4-1. – С. 220-223.
6. Мироновой Н.Н. Приоритетные направления развития регионов: инновации и предпринимательство: колл. Монография / Под науч. ред. Н.Н.Мироновой. –М.: Научный консультант, 2017. – 252 с.
7. Земцов С.П. Высокотехнологичный бизнес в регионах России. // Национальный доклад. – М.: РАНХиГС, АИРР, 2019. – 108 с.
8. Положенцева Ю.С., Клевцова М.Г., Вертакова Ю.В. Макроэкономические условия формирования инновационной среды региона // Управленческое консультирование, 2014. – №10 (70). – С. 60-67.
9. Шадиева Д.Ш. Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ТМИ, 2020. – 58 б.
10. Гаибназарова З.Т. Инновацион инвестициялаштириш самарадорлигини оширишнинг назарий асослари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Т.: 2012. – 28 б.
11. Жахонгиров И.Ж. Обеспечение стабильного экономического роста на основе инновационно-инвестиционного развития национальной экономики: автореферат дисс. доктора философии (PhD) по экономическим наукам. – Т.: 2019. – 58 с.
12. Мухитдинова Н.К. Методология инновационного развития национальной экономики. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2016. – 188 с.
13. Шумпетер И. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1982.

14. Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент. – СПб: Питер, 2001 – 304 с.
15. Голиченко О.Г., Балычева Ю.Е. Размерность процесса как фактор, определяющий структуру инновационного процесса. // Инновации, №3. – 2016. – С. 21-32.
16. Atkinson R.D., Ezell S.J. Innovation Economics. The Race for Global Advantage. New-Haven: Yale University Press, 2012.
17. Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
18. Рупосов В.Л. Анализ экономической деятельности малых инновационных предприятий ИрГТУ. // Вестник Иркутского государственного технического университета, 2014. – №4 (87). – С. 213-220.